SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 27-may • Shanba • 61 (27.553) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

## ИХТИСОСЛАШГАН КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ







Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Қарши шаҳрида вилоят ихтисослашган кардиология маркази учун мукаммал таъмирдан чиқарилган замонавий бино фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу ерда 225 нафар шифокор аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Марказимизнинг 1978 йилда қурилган ва ҳозирга қадар таъмирланмаган эски биноси замон талабларига жавоб беролмай қолганди, — дейди марказ бош шифокори Ғулом Комилов. — Ўтган йили бу ерда «Нефтгазгеология» холдинг компанияси ҳомийлигида 750 миллион сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки ойида эса бутунлай қайта реконструкция қилинган марказ биносида ишни бошлаб юбордик. Ҳомийларимиз кўмагида 324 миллион сўмга замонавий тиббиёт ускуналари, салкам 100 миллион сўмга жиҳозлар олдик. Таъмирлаш ишларини сифатли қилиб бажарган пудратчи ташкилот — Шаҳрисабз шаҳридаги «Суғдиёна» масъулияти чекланган жамияти қурувчи-бунёдкорларининг ишларидан мамнунмиз.

**Суратларда:** *(чапдан) кардиология маркази бош шифокори Ғулом Комилов билан шифокор Ғулом Ражабов; вилоят ихтисослаштирилган кардиология марказининг барча қулайликларга эга муҳташам биноси; марказ палаталари вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилган шундай жиҳозлар билан таъминланган.*

ЎзХДП ҳаёти

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ

### мавжудларини сақлаб қолиш бугун барчамизнинг долзарб вазифамиздир, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги: соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимини топиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда мутасадди вазирликлар ҳамда манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

**Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиққанлигидан барчангизнинг хабарингиз бор. Мен яқинда Бухоро вилоятида бўлдим. У ерда бу борада кўп ижобий ишлар қилинган. Катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари имкониятлари шу муаммони ҳал этишга сафарбар этилаяпти. Аммо, вилоятдаги айрим туманларда ишга лаёқатли одамларнинг бир қисми иш қидириб кетган. Бошқа вилоятларда ҳам шундай мисоллар бор. Хўш, муаммони ечиш учун нима қилиш керак? Ундан ташқари, вилоятларда ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан бир қисм аҳоли ишсиз бўлиб қолаяпти. Уларнинг бандлигини қандай қилиб таъминлаш керак? Бу борада маҳаллий дастурлар ҳам қабул қилинган. Аммо, уларнинг ижроси қандай бўлмоқда? Биз барчамиз фикрларимизни ўртага ташлаб, бу борада таклифларимизни ишлаб чиқишимиз керак. Чунки, бу ҳаммамизга, бутун халқимизга тегишли масала.

2-бет

Ватан ҳимояси — олий шараф

## АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

### ТОБЛАНИБ, ЧИНИҚИБ, ТАВСИЯНОМА БИЛАН

Ватанга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Равшан ҳам ана шундай шарафга сазовор бўлганлардан бири. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аскар яқинда уйига қайтди.

Бир йил айтарли узоқ муддат эмас. Аммо соғлом муҳитда ўсиб-улғайган, тарбия топган йигит учун бу жисмоний ва маънавий жиҳатдан янада чиниқиш даври бўлди.

Равшан ишчи оиласида вояга етган. Бахтиёр ака ва Муаззам опа Раҳмоновлар уч фарзандни тарбиялаб ўстирдилар. Икки ўғил — Рустам ва Равшан ўктамликда, мардликда ҳавас қилса арзирли инсонлар бўлиб етишдилар. Равшан ҳарбий хизматга қадар Тошкент молия-иқтисодиёт коллежида таҳсил олди. Билимли, соғлом, мулоҳазали йигит танлов мезонларининг барча шартларидан муваффақиятли ўтди. Кези келганда айтиш керакки, ҳозир барча хоҳловчилар ҳам муддатли ҳарбий хизматга олинавермайди. Йигитлар сараланиб, танланиб армия сафларига қабул қилинадилар.

— Ўтган бир йил ҳаётимдаги энг унутилмас, сермазмун бир давр бўлди — дейди Равшан Раҳмонов. Дастлабки кунлар ҳаяжони, илк қийинчиликлар... Руҳингни кўтариб, ўзингга ишонч уйғота олган командирнинг биринчи мақтови, қадрдон дўстлар — буларнинг бари ҳақида эслаш жуда мароқли. Армияда хизмат қилишнинг ўзига яраша завқи бор.

Офицер Алишер Саломовда ҳарбийча маданиятнинг барча қирралари яққол кўзга ташланиб туради. Капитан Абдулла Ташкараевга жанговар санъатнинг билимдони сифатида барчамиз ҳурмат билан қарардик.

Тарбиячи офицер Бекзод Шодиев тимсолида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларимизнинг ҳақиқий ёш офицерларини кўраман.

Шу ўринда кичик командирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шеробод Жумақуловнинг биз билан ишлашда жуда кўп тер тўкишига тўғри келган. Биз ҳам унинг меҳнатларини синов машғулотларида аъло баҳоларимиз билан тақдирлаганмиз. Яна бир кичик командиримиз Тоҳир Каримов ўрни келганда қаттиққўл, талабчан бўлиши билан бирга самимий ҳазил-мутойибалари билан davраларга файз киритадиган инсон. Ҳақиқий дўст, мен улардан кўп нарсани ўргандим.

Ҳаёт мактабида қадрдон дўстлар орттирдим. Андижонлик Абдуғани Охунов, бекободлик Содиқ Мирзааҳмедовлар билан хизматнинг илк кунларидан бирга эдик.

Равшан Раҳмонов аъло хизматлари учун қисм қўмондонлигининг тавсияномасини олган. У ўқишни Тошкент молия институтида давом эттирмоқчи. Равшаннинг ниятлари, орзулари кўп.

— Равшан кўз ўнгимда улғайди, — дейди Миробод туманидаги «Файзиобод» маҳалла фаоли Сотиболди Маматқулов. — Унинг ноўрин хатти-ҳаракат қилганини кўрмаганман. Бу оила ҳақида фақат ижобий гапларни айтишим мумкин. Яхши оилада тарбия топган Равшан билан маҳалладошларимиз фахрланади. Равшаннинг меҳнатсевар бўлиб, халқимизга хизмат қилишига ишонаман.

Равшан Раҳмонов яқинда ҳарбий хизматдан уйига қайтди. Қайтганда ҳам ёруғ юз билан, тобланиб, чиниқиб, тавсиянома билан ота-онаси бағрига қайтди. Бугун унга қўни-қўшнилари, дўстлари, маҳалладагилар ҳавас билан қарашяпти. Келажакда Равшан етук мутахассис, ажойиб инсон бўлиб ота-онаси, халқига муносиб фарзанд бўлишига ишонамиз.

**Равшан ШОДИЕВ**

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

## «ТУПРОҚҚАЛЪА МУАММОЛАРИ»

**Газетамизнинг 30 март сонида ушбу сарлавҳа остида чоп этилган таҳлилий-танқидий мақолада Хоразм вилоятининг чекка ҳудудида жойлашган Тупроққалъадаги ижтимоий муаммолар, хусусан почта, транспорт ва тиббий хизматдаги камчиликлар қаламга олинганди. Яқинда мазкур мақола юзасидан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:**

«Тупроққалъа муаммолари» сарлавҳали танқидий мақола бўйича Хоразм вилояти ҳокимлиги қуйидагиларни билдиради:

Вилоят ҳокимлигида ишчи гуруҳи тузилиб, тегишли вилоят ташкилотлари билан биргаликда ушбу мақолада кўтарилган муаммоларни, камчиликларни ўрганиш ва уларни тугатиш чора-тадбирлари белгиланди.

Вилоят ташкилотларидан олинган маълумотларга кўра:

Ҳудудда қишлоқ хўжалигини, жумладан, чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун вилоят ҳокимининг қарори билан икки йил олдин Тупроққалъа қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ташкил қилинган.

Ҳозирда ҳудудда фаолият юритаётган фермер хўжаликларига ва ишчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва қулайликлар яратиш мақсадида зооветеринария хизмати кўрсатиш ва қорамолларни сунъий қочириш шохобчаси, «Урганч-ёғ» ҳиссадорлик жамияти томонидан чигитни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар — пахта ёғи, шрот, шелуха маҳсулотларини сотиш шохобчаси ташкил қилинган ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, фаолият юритаётган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчалари ташкил қилинди.

2006 йил манзилий рўйхатга Тупроққалъа даҳасида 360 ўринли қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежи объекти киритилиб, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган.

1,7 км. узунликдаги ичимлик сув тармоқлари, 2 та сув қудуғи ҳамда 13-сонли мактабга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан спорт зали қурилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Тупроққалъа даҳасида 3 та телефон станцияси монтаж сиғими 200 номерли ва фойдаланиш сиғими 61 номерли Хонқа, Хазорасп ва Хива қишлоқларида фаолият кўрсатмоқда. Тупроққалъа даҳасида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида истаган шаҳар ёки қишлоқлар билан боғланишлари учун 226-52-94 рақамли коммутатор ишлаб турибди.

Урган шаҳри билан Тупроққалъа даҳаси оралиғида жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган оптик толали кабель ётқизилган ва Тупроққалъа даҳасида Урганч шаҳар рақамли телефон станциясидан 30 та абонентга хизмат кўрсатиш имкониятига эга алоқа ускуналари ўрнатилган. Ҳозирги кунда шундан 2 таси ишлаб турибди, яна аҳоли ва ташкилотлар талаблари асосида 28 та телефон ишлатиш имконияти мавжуд. Хоҳлаган мижоз телефон ўтказиб, интернет, факс ва электрон почта хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Тупроққалъа даҳаси аҳолисига «Ўзбекистон» телеканали рақамли узатиш тизимидан «Ёшлар» телеканалига хос аналог узатиш тизими фаолият кўрсатмоқда.

Тупроққалъа даҳасида ҳар куни қуйидаги йўловчи ташиш транспорти қатнови йўлга қўйилган: «Урганч — Тупроққалъа» йўналишига 1 та «Икарус», «Хазорасп — Тупроққалъа» йўналиши бўйича янги «Отайўл» русумли 1 та автобус ва 2 та микроавтобуслар.

Тупроққалъа даҳасидаги муаммолар, қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вилоят ҳокимлигининг, вилоят ташкилотларининг доимий эътиборида бўлиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.РАҲИМОВ».**

## ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИДА...




Шу кунларда Италиянинг Турин шаҳрида XXXVII Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли мусобақанинг эркаклар учрашувларида ер куррасининг 148, аёллар баҳсида эса 131 давлатидан шоҳмот усталари дона суряпти.

Бешинчи учрашувда ҳамюртларимиз турнир жадвалидаги қўшнилари голланд шоҳмотчилари билан куч синашдилар. Ушбу турда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов асосий тахтада Иван Соколовга қарши дона суриб, муваффақият қозонди. Сайдали Йўлдошев — Люк Ван Вели, Сергей Қаюмов — Доел Эрик Ван Ден учрашувларида дуранг натижа қайд этилди.

Бешинчи турдан сўнг, 14,5 очко жамғарган ҳамюртларимиз турнир жадвалида тўртинчи поғонани банд этишган.

Қизлар баҳсида мутахассислар тошкентлик Ольга Собирова, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, самарқандлик опа-сингил Ирода ва Шаҳноза Ҳамроқуловаларга умид билдиришган. Аммо мусобақада қизларимиз кутилганидек барқарор ўйин намойиш эта олишмаяпти. Дастлабки турда Фиджи ороллари шоҳмотчилари устидан 3:0 ҳисобида зафар қучган шоҳмот маликаларимизнинг польшаликлар билан кечган баҳсда омади чопмаганди — 0,5:2,5. Тўртинчи турда словакияликлар билан уч партия баҳс юритган қизларимиздан фақат Юлдуз Ҳамроқуловагина дурангга эриша олди ва умумий 0,5:2,5 ҳисобида имконият бой берилди. Охирги ўйинда ҳамюртларимиз венесуэлаликларга қарши баҳс юритиб, дуранг (1,5:1,5) ўйнашди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## НАВБАТДАГИ САЙЁҲЛИК КЎПРИГИ

Яқинда Урганч халқаро аэропортига «А-300» русумли ҳаво лайнери қўнди. Бу ҳаво кемаси Хоразмга Австрия пойтахти Венадан 137 нафар сайёҳни олиб келди. Сайёҳлар қадим Хиванинг жаҳонга машҳур осори-атиқалари, меъморий обидалари билан яқиндан танишишга киришдилар.

«Аустриан Эрлаинз» компаниясининг бу улкан ҳаво кемалари эндиликда қадим Хоразмга мунтазам қатнаш — кўплаб сайёҳларни келтиришни ўз зиммасига олган.

Дастлабки рейс учувчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, сайёҳлар қувончлари чексиз бўлди.

Эндиликда мазкур халқаро авиакомпания Япония, Франция, Германия ва Швейцария давлатларидан Хивага муттасил сайёҳлар ташишни режалаштирган.

**(Ўз мухбиримиз)**

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Республикамизнинг барча мактабларида сўнгги қўнғироқ жаранглади. Унинг садолари остида ўқувчилар ўзлари таҳсил олган қадрдон мактаблари, таълим-тарбия берган устозлари билан хайрлашдилар, катта ҳаётга йўлланма олдилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳар қайси инсон ушбу дамларни бир умр хотирасида сақлайди, эъзозлаб авайлайди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли республика нафис санъат лицейида ҳам сўнгги қўнғироқ янгради. Шу муносабат билан бу ерга ота-оналар, узоқ-яқиндан меҳмонлар ташриф буюрди.

— Олти йил мана шу лицейда таҳсил олдим, — дейди 11-синф ўқувчиси Адҳам Давлатов. — Валинтина Бендес, Заҳро Дадахўжаева, Фарҳод Султонов каби устозларим илмфан сирларини ўрганишимда катта ёрдам беришди. Орзуларим кўп. Шулардан бири олий ўқув юрти талабаси бўлишдир.

Мактабни тамомлаган ҳар бир ўқувчи бир олам орзулар билан яшамоқда. Ниятимиз, улар эзгу мақсадларига етишсин.

**Суратларда:** *республика нафис санъат лицейидаги сўнгги қўнғироқ.*





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ

мавжудларини сақлаб қолиш бугун барчамизнинг долзарб вазифамиздир, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида

**Насимқул КАРИМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги масаласи партиямизнинг дастурий мақсадларини бажаришда муҳим йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этиш вазифасини қўйган эди.

Бандлик масаласида сўз кетар экан, авваламбор бугунги кунда ишсизлар сонини аниқ белгилаб олишимиз керак. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳар бир тумандаги бир қишлоқ ва шаҳардан битта маҳаллада ишсизлик масаласини ўрганиш учун уйма-уй юриб сўровнома ўтказилди. Мардикорлик қилаётган фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси вилоятдан келганлиги ўрганилди. Респондентларнинг 25 фоизи Сурхондарё, 18 фоизи Қашқадарё, 11 фоизи Самарқанд, 9 фоизи Наманган, 7 фоизи Фарғона вилоятидан келганлиги маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикасидан келганлар 3 фоизни, қолган вилоятлардан келганлар ва Тошкент шаҳрида яшовчилар 2-6 фоизни ташкил этди.

Сўралганларнинг 72 фоизи мардикорчилик қилишга асосий сабаб қилиб яшаш жойида иш ўринлари йўқлигини, 28 фоизи эса маошларнинг қониқтирмаслигини кўрсатган. Уларнинг 15 фоизи олий, 48 фоизи ўрта-махсус маълумотга эгадир. Бундан кўриниб турибдики, жойларда олий ва ўрта махсус маълумотлилар учун ҳам иш ўринлари етишмайди.

Ишсизлар аксарият ҳолларда иш сўраб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг вилоят, шаҳар, туман бошқарма ва бўлимларига мурожаат этмаганлар. Уларнинг 73 фоизи меҳнат бўлимлари иш топиб беришларига ишонмайди. Меҳнат бўлимларидан ишсизлик нафақасини олганлар бор-йўғи 8 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жойларда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ижобий ишлар қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлиси қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, тааллуқли вазирлик ва идораларга қатор вазифалар юклатилган. Ушбу вазифалар бевосита ХДП электоратининг манфаатларига тўла мос келади.

Ўтган йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ногиронлар жамияти ўртасида тузилган битимларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича томонларнинг аниқ мажбуриятлари акс эттирилган. Бу йўналишда очилаётган янги имкониятларни ҳисобга олиб, тегишли битимлардаги мажбуриятларни бажариш бўйича амалий ишларимизни кучайтиришимиз зарур.

**Ботир АЛИМУҲАММЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари:**

— Муаммога бир ёқлама қараш нотўғри бўлади. Бунинг барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатларини инобатга олиб фикр билдирсак тўғри бўлади. Шунингдек, масалани ҳал этиш бир идора, вазирлик, тизимнинг иши эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ўсиш даражаси пасайган. Аммо, 1980-1990 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлганлиги туфайли меҳнатга қобилиятли фуқаролар сони кўпайиб бормоқда. Меҳнат бозорига бўлган бу босим, тенденция яқин беш йил ичида ўз кучини сақлаб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишсизлик ўсиб кетишининг олдини олиш учун ҳар йили молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 480-500 минг ишчи ўрни яратилиши мақсадга мувофиқ. Бу иш ўринларини яратиш учун катта маблағ керак. Ҳисоб-китоблар бўйича битта иш ўрнини яратиш тармоқлар, соҳаларга қараб ўрта ҳисобда 300 минг сўмдан 3,5 млн. сўмгача ҳам бориши мумкин. Бу жуда жиддий муаммо. Уни ечиш учун барча имкониятларимизни ишга солишимиз керак. Вазирлигимиз қошида бандлик жамғармаси бор. Биз ўтган йили Фарғона водийсининг чегара ҳудудларида кам таъминланган 20 минг оилага жамғарманинг имтиёзли кредитини ажратиш орқали уларнинг ўзини-ўзи иш билан таъминлаш механизмларидан фойдаландик. Бу жуда катта аҳамиятга эга. Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ўз самарасини беради.

Ҳозирнинг ўзида иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар жами банд аҳолининг 77 фоизини ташкил этмоқда.

Касаначиликни ривожлантиришни бир йўналиш деб олдик. Бу фаолият билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар жуда кўп. Аммо, уни ташкил этиш истагини билдирган йирик корхоналар сони ҳали кам. Сабаби йирик корхоналар касаначилик билан шуғулланишнинг иқтисодий-молиявий нуқтаи назардан манфаатли эканлигини тўла ҳис этишмаяпти. Мен партия фаоллари ва бу ерга йиғилганлардан илтимос қилардимки, жойларга чиққанда, учрашувларда Президент Фармони бўйича касаначилик билан шуғулланишга имтиёзлар фақат йирик саноат корхоналарига берилганлигини тушунтириб, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини очиб берайлик.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали республика миқёсида камида 100 минг иш ўрни яратиш имконияти бор. Хизмат кўрсатиш деганда илгаригидек фақат маиший хизмат эмас, хизмат кўрсатишнинг 11 та тармоқ йўналишлари назарда тутилган. Шунингдек, 2007 йилда 202 минг иш ўрни яратиш белгиланган.

Биз расман 34 та бир марталик иш билан таъминлаш маркази ташкил этганмиз. Шулардан 7 таси Тошкент шаҳрида. Шаҳарда мардикорлар хизматига эҳтиёж бор. Аммо, мардикорларнинг меҳнат, ижтимоий, ҳуқуқий муҳофазаси қонуний жиҳатдан таъминланмаган. Биз эса, бу бозорларга кимлар келаяпти, паспорт тизимига амал қилинаяптими, кимлар уларни олиб кетиб ишлатаяпти... шу каби масалаларни ўрганиб борамиз.

**Холида НИЗОМОВА, Сергели туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи:**

— Аҳоли нима сабабдан «Мардикор бозор»ларига чиқаяпти, деган табиий савол туғилади. Биргина бизнинг бўлимимизнинг ўзида 1000 дан ортиқ бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар бор. Яқинда меҳнат ярмаркаси ўтказдик. Ишсиз фуқаролар, аёллар келаяпти. Бироқ, кўпчилик биз таклиф этаётган ишларни хоҳлашмайди. «Вой ойлиги кам экан», «Ундан кўра уйда ўтирганим яхши», «Бозорга чиққаним маъқулроқ» деган фикрларни билдиришади. Қонуний ишда меҳнат қилиб топаётган даромадларидан «мардикор бозор»лари орқали топаётган даромадлари юқори. Солиққа ҳам тортилмайди. Муҳофазаси кафолатланмаган бўлса ҳам улар юқорироқ даромад олишни ўйлашаяпти.

**Маҳмуд ИСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгаши бўлим бошлиғи:**

— Бу муаммони битта вазирлик томонидан ҳал этилиши қийин, дейилди. Жуда тўғри. Бунинг учун албатта, бошқа вазирликлар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш лозим. Айрим муаммолар борки, қонунчилик доирасида буни ҳал этиш керак. Биринчидан, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш соҳасини давлат монополиясидан чиқариш керак. Бу бугунги кунда фақат Меҳнат вазирлигининг монопол ҳуқуқи бўлиб қолаяпти. Монополия бор жойда суиистеъмолчилик, нохуш ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Лицензия асосида шу иш билан шуғулланиш ҳуқуқини бошқа ташкилотларга ҳам бериш керак. Бу хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасида бор. Бунда рақобат пайдо бўлади, рақобат бор жойда ҳаракатлар жонланади. Ишсизликдан суғурта қилиш амалиётини ҳам қонунчилик орқали жорий этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг қонунларимизга кўра иш билан таъминлашда Мувофиқлаштирувчи қўмиталарнинг ҳуқуқий асослари бор. Икки йил олдин республика миқёсида бундай қўмита ташкил этилган эди. Унинг таркибида касаба уюшмалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Савдо саноат палатаси, «Камолот» ЁИҲнинг вакиллари бор. Аммо ҳамон унинг мажлислари ўтказилгани йўқ. Қўмита бирор бир масалани кўриб чиққани ҳам йўқ. Қонун орқали ушбу қўмиталар мақомини кўтариш керак, деб ўйлайман.

Яна бир муаммо бор. Баъзан расмий ишлаш керак бўлган жойларда норасмий меҳнатдан фойдаланишади. Норасмий ишловчиларнинг муҳофазаси ҳақида эса ҳеч қандай кафолат йўқ. Масалан, ресторан-барларда хизмат қилаётган официанткаларни олиб кўринг. Бир ошхонада улардан 10 нафари ишласа, 8 нафарига меҳнат дафтарчаси очилмаган. Кунлик ҳаққини олиб ишлаб юраверишади. Худо кўрсатмасин, бир нарса бўлиб қолса, унга ҳеч ким жавоб бермайди. Меҳнат бўлимларининг жойлардаги инспекторлари мана шу масалаларга эътибор берсалар ёмон бўлмасди.

**Дилмурод МИРЗАКАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:**

— Бугун кўпгина кичик корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилаяпти. Аммо, иккинчи томондан яна айрим шундай субъектлар банкрот, деб эълон қилиниб фаолияти тугатилаяпти. Натижада иш ўринлари қисқармоқда. Ёпилаётган корхоналарда чуқур мониторинг ўтказиш керак. Уларнинг ёпилиш сабабларини аниқлаб, таҳлил қилиб, қайта оёққа туриб олиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш лозим, деб ўйлайман. Шунда мавжуд иш ўринлари қисқаришининг олдини олишга ҳисса қўшамиз.

⟡⟡⟡

Давра суҳбатида янги иш ўринларини яратиш, мавжуд иш ўринлари қисқариб кетишининг олдини олиш, кўпроқ иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таклифлар умумлаштирилиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси орқали қонунчиликда акс эттириш борасида келишиб олинди.

**Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

---

ЎзХДП ҳаёти

# ПЛЕНУМЛАРДА АЙТИЛДИКИ...

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳоли бандлиги муаммосига чуқур эътибор қаратаётганлиги маълум, — деди Ўзбекистон ХДП Данғара туман кенгаши пленумида сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси, тумандаги «Найманча» ширкат хўжалиги раиси А.Мирсодиқов. — Зеро, туманимизда ҳам бу муаммо мавжуд. Аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш бугуннинг вазифаси.

Одамларда боқимандалик кайфиятини йўқотиш, коммунал хизматларга тўловларни сунъий равишда оширишга қарши кураш, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва партиянинг ролини ошириш масалалари ҳам пленумда кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП Данғара туман кенгаши раиси З.Ҳамроалиева ўз маърузасида партиямиз аҳолининг заиф табақалари манфаатларини ҳимоя этиш, бу борада партия кенгашлари қошидаги жамоатчилик қабулхоналари ишини фаоллаштириш, уларга тушаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, партия фаолиятига оид бошқа масалалар хусусида алоҳида тўхталди. Сўзга чиққан Данғара тумани ҳокими А.Азимов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси М.Исоқов, туман марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари М.Турдиматов ва бошқалар партиянинг бугунги фаолияти, амалга ошириладиган ишлари, бошланғич партия ташкилотларининг долзарб вазифалари хусусида гапирдилар.

⟡⟡⟡

Мирзо Улуғбек туман кенгашининг навбатдаги пленумида маъруза билан чиққан туман партия кенгаши раиси Раъно Сатторова ЎзХДП мафкурасини ривожлантириш, партия ташкилотларининг мафкуравий ишлари самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари ҳақида алоҳида тўхталди. Музокараларда сўзга чиққан Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Жонон Юнусова, республика врачлар малакасини ошириш институти директори ўринбосари Ҳабибулла Оқилов, 50-мактаб директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Светлана Герасимова, Ноорганик кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов ва бошқалар маърузада қўйилган масалаларнинг долзарблиги ҳақида гапирдилар. Дунёда глобаллашув жараёнлари, айрим хорижий мамлакатларнинг ёш мустақил давлатларга мафкуравий тажоввузлари кучайиб бораётган бир вақтда бу масала барчанинг диққат марказида туриши, огоҳлик, ҳушёрлик билан Ватанимиз равнақи, мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилишимиз лозимлиги ҳақида фикр билдирдилар.

⟡⟡⟡

Шунингдек, Сирғали туман кенгашининг пленумида ҳам юқоридаги масалалар муҳокама этилди.

— Биз мафкуравий ишларимизни амалий фаолиятимиз билан бирга олиб бормоқдамиз, — деди маърузачи, туман партия кенгаши раиси Лола Исматова. — Бу ўзининг самарасини бермоқда. Маҳаллада оддий аҳоли орасига кириб бориш, уларни ўйлантираётган саволларга атрофлича жавоб қайтариш, жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини бевосита маҳаллалар орқали амалга ошириш ўз-ўзидан Дастуримиз ва партия Марказий Кенгаши IV пленуми белгилаб берган мафкурамиз тарғиботига самарали хизмат қилмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан фаоллар ҳам туман кенгашининг бундай ташаббусларини қўллаб-қувватладилар. Йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Пленум сўнггида жамоатчи, ташаббускор, партия ғоялари ва мафкураси тарғиботида жон куйдираётган фаолларга эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбирларимиз)**

---

Партия фаоли

# МАҲАЛЛАДА ЎРНИ, МАВҚЕИ БОР

Жуманисо Қурбоновани Гулистон шаҳридаги Муқимий номли маҳаллада каттаю-кичик яхши танийди. Ҳудудий партия ташкилоти раиси сифатида у бўлаётган ҳар қайси тадбиру, маросимда ҳозиру нозир, бош-қош.

— Маҳалламизда 2700 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Жуманисо опа. — Улар ўртасида тарғибот-ташвиқот, ахлоқий-маърифий ҳаракатларни жонлантиришга, бу ишларнинг янги-янги шакл ва услубларини топишга ҳаракат қилаяпмиз. Партия Дастурида белгиланган йўналишлар бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, пенсионерлар, кўп болали оилалар, кам таъминланганлар, ногиронлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш, ўз электоратимиз манфаатларини ҳимоялаш тадбирларини амалга ошираяпмиз. Бу борада ҳисобимизда турувчи 16 нафар ХДП аъзолари фаоллик кўрсатаётир.



— Опага гап йўқ, — дейди маҳалла ҳудудидаги кичик корхона раҳбари Мирсаид Бобораҳимов. — Ўзлари тадбиркорлик билан шуғулланадилар. Табиатларига хос бўлган тиниб-тинчимаслик, фидойилик, жонкуярлик, бировнинг ташвишию-қувончини ўзиникидай қабул қилиш хислати фарзандларига ҳам юққан. Бева-бечораларнинг бошини силаш, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, болалар уйларида тарбияланаётганлар, бемор ётганлар, ногиронлар ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш, маҳалладаги мактабларнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларига ХДП стипендияларини топшириш сингари хайрли юмушларни бажариш учун биз каби тадбиркорларнинг бошини қовуштирадиган ҳам аслида опа бўладилар.

***Суратда:*** *маҳалла ҳудудий партия ташкилоти раиси, ХДП фаоли Жуманисо Қурбонова.*

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ.**
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

---

# ҚОНУНЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ ЎЗАРО ДЎСТЛИК ГАРОВИДИР

Қозоқ ва ўзбек халқлари қадимдан бир-бири билан дўст, қондош ва қардош бўлиб яшаб келишган. Бунинг яққол мисолини Наврўз байрами арафасида Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида халқимиз шаънига айтган илиқ фикрларидан ва икки давлат ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар мазмунидан билсак ҳам бўлади.

Лекин шоли ичида курмак бўлганидай бундай дўстлик, ўзаро қўшничилик, қолаверса, давлат раҳбарларининг икки халқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини ҳануз тушунмаётган, нафс балосига учраган айрим кимсалар бироз бўлса-да, ўзаро дўстликка раҳна солиб қўймоқдалар. Хусусан, Қозоғистоннинг баъзи бир нопок фуқаролари арзимаган бойлик илинжида муҳандислик иншоотларидаги симларни узиб, Ўзбекистон давлати чегарасига ўрнатилган чегара белгиларини бузиб кетмоқдалар. Бундан ташқари, улар томонидан Ўзбекистонга ун маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга уринишлар ҳам кузатилмоқда.

Қолаверса, бирон ўзбек фуқароси Қозоғистон чегарасига ўрнатилган муҳандислик иншоотларини, бетон устунларини бузганини қачон эшитганмиз?

Бизнингча, қўшни давлатда ҳам бундай кимсалар истиқомат қилаётган овуллар, қишлоқларнинг раҳбарлари, жамоатчилиги, обрў-эътиборли кишилари, чегарачилари бўлса керак. Наҳотки, улар қонунбузар ҳамқишлоқлари, ватандошларига бундай ишларнинг номақбуллигини тушунтириб қўймасалар, унинг олдини олмасалар.

Гоҳида интернет тармоқларида ҳамда Қозоғистон Республикаси матбуотида шошма-шошарлик билан юқоридаги каби ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида бир ёқлама ахборотлар тарқатилмоқда.

Яқинда интернетдаги хабарга кўра, эмишки, шу йилнинг 19 апрелида тахминан соат 20.00 ларда Сариоғоч туманининг Кувонч қишлоғида яшовчи Бовуржон Ахметовни мол боқиб юрганида, ўзбек чегарачилари Ўзбекистон ҳудудига куч ишлатиб олиб кетишган.

Аслида эса Б.Ахметов мамлакатимиз ҳудудидаги бетон қозиқларга тортилган симларни ўғирлаётган пайтда чегарачиларимиз томонидан қўлга олинган эди.

Шу ўринда савол туғилади. Қозоғистон ОАВлари эътиборини жалб этган Бовуржон Ахметов аслида ким ўзи?

Зангиота тумани ички ишлар бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, 2004 йилнинг 6 март куни соат 19.30 ларда мазкур туманнинг «Туркистон» жамоа хўжалигида жойлашган дала-ҳовлига босқинчилик йўли билан кириб, уй эгаларини қаттиқ калтаклаб, жами 158 минг сўм хўжалик буюмларини ўғирлашга ҳаракат қилган бир гуруҳ қозоқ миллатига мансуб бўлган шахслар орасида Бовуржон Ахметов ҳам бўлган.

Ўша пайтда юқоридаги хатти-ҳаракати учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси, 2-қисми, «а» банди, 105-моддаси, 2-қисми, «и» банди билан 30/357-сонли жиноят иши қўзғатилган эди.

Эҳтимол, юқоридагидай бир ёқлама хабарлар ўрнига икки қўшни давлатнинг тегишли идоралари вакиллари ўзаро ҳамкорликда иш олиб борса мақсадга мувофиқ бўлар, давлат чегарасини бузувчилар ва ўз шахсий манфаатини кўзлаб икки қардош халқ ўртасида нотўғри фикрлар туғдирадиган ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Қонунлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро келишувлар талабларига амал қилиш ва ўзаро ҳурматда бўлиш муҳимлиги ҳақида гап кетар экан, қуйидаги ҳолат кишини албатта таажжубга солмай қўймайди:

Шу йилнинг 5 май куни Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти ҳокими С.Аржигитовнинг Фарғона вилояти, Риштон тумани билан чегарадош ҳудуддаги «Қайтпас» ўтказиш пунктини бир ёқлама ёпиб қўйиш ҳақида кўрсатма берганлигини ҳеч бир тошу тарозу билан ўлчаб бўлмайди.

Ҳокимнинг 2000 йил 2 июндаги Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида имзоланган давлатлараро келишув ҳужжатига тамомила зид бўлган бу оғзаки топшириғи икки қўшни давлатнинг неча юзлаб фуқароларининг овораю сарсон бўлишига, икки ўртада турли англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлишидан бошқа нарса эмас.

6 май куни эса худди шу постга С.Аржигитовнинг ўринбосари Т.Эшалиев келиб, чегара яқинида яшовчи Қирғизистон фуқаролари чегарадан ўтаётганларида ўзбек ҳарбийлари томонидан уларнинг паспортларига белги қўйилмаслигини, акс ҳолда «Қайтпас» ва «Газпром» ўтказиш пунктларини ёпиб қўйишини дағдаға қилди.

Мана сизга бир вилоятнинг икки катта раҳбарларининг давлатлараро келишув ҳужжатлари, қолаверса, ҳар икки давлатнинг «Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунлари талабларига бўлган муносабатлари.

Ўйлаймизки, юқоридагидай қонунбузарлик, чегара бузиш ҳолатлари ва айрим тўраларнинг хатти-ҳаракатларидан чегарага яқин жойда яшаётган қўшни давлат фуқаролари, турли тоифадаги раҳбарлар, жамоатчилик вакиллари тўғри хулоса чиқариб оладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда чегарачиларимизнинг сергаклик билан хизмат олиб бораётганликлари туфайли, давлатимиз ҳудудига киритилаётган гиёҳванд моддалар, контрабанда товарлари ўз вақтида ушлаб қолинмоқда.

2004-2005 йиллар ва 2006 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон — Қозоғистон чегара ҳудудида 3139 та ҳолат бўйича моддий товар бойликлари олиб кирилаётганда тўхтатиб қолинди. Худди шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 490 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги турли маҳсулотлар чегарачилар томонидан ушланди.

Шу йилнинг 26 апрель куни Тожикистон — Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудудида хизмат бурчини бажараётган чегарачилар қоп кўтарган шубҳали шахсни кўрганлари заҳоти янада ҳушёр тортишди.

Айланма йўллар орқали ҳудудимизга ўтмоқчи бўлган қонун доирасидан четга чиқаётган шахсни чегарачиларимиз тўхтатишга ҳаракат қилганларида, у Фарҳод анҳори бўйига қопни ташлаб, ўзи Тожикистон Республикаси ҳудудига қочиб қолади. Қопдаги целлофан қоғозга ўралган нарсалар текшириб кўрилганда, унда 22 килограммдан ортиқ бўлган гиёҳванд модда бор эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган, ўзини тожикистонлик фуқаро Ойниса Сапарматова, деб таништирган қонунбузар ҳам айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётганда, чегарачилар томонидан тўхтатилди. У ҳамтовоқлари билан келишувга кўра, гиёҳванд моддани манзилга етказиб берса, 150 АҚШ долларини қўлга киритиши керак экан.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш мақсадида ўз постларида сергак турган чегарачиларимиз нафақат Ўзбекистон давлати қонунлари талабларига амал қилган ҳолда, балки қўшни давлатларнинг чегарага оид қонун-қоидаларини ҳам ҳурмат қилган ҳолда ўз вазифаларини бажармоқдалар.

Қўшни давлатларнинг ҳам қонунларига ҳурмат бу, аввало, давлатлар, халқлар, қолаверса ўзаро касбдош бўлган соҳа хизматчилари ўртасида ҳам дўстлик, биродарлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

**Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари матбуот маркази бошлиғи**

---

# ШОИРАНИНГ ЎЧМАС СИЙМОСИ

Ўзбек матбуоти, хусусан адабиёти ривожига ҳисса қўшган шундай сиймолар борки, уларнинг меҳнатлари, ўз даврида кўрсатган жасоратлари ҳамон халқимиз ёдида яшайди. Ана шундай инсонлардан бири шоира, ҳикоянавис ва журналист Ойдин Собировадир.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоира таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда шоиранинг яқинлари, фахрий ижодкорлар, унинг шеърларини куйлаб келаётган санъаткор ҳамда ёш қаламкашлар иштирок этди. Анжуманда сўзга чиққанлар шоиранинг ижоди ва ҳаёти ҳақида илиқ фикрлар билдиришди, эзгу ишларини ҳурмат билан эслашди. Тадбирда Ойдин Собированинг ҳали матбуотимизда чоп этилмаган шеър ва ҳикояларини китоб ҳолида нашр этиш, бунга ҳомийлар кўмагини жалб қилиш лозимлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Тадбирни олиб борган эл ардоғидаги шоира Ойдин Ҳожиева анжуман сўнггида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан қисқа вақт ичида шоиранинг «Суҳбатижонон» ҳикоялар тўплами чоп этилганини маълум қилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

# ИЖОДКОР ЭЪЗОЗИ

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамда Денов туман ҳокимлиги ташаббуси билан шоира Раъно Узоқова таваллудининг 90 йиллигига жойларда турли тадбирлар, анжуманлар ўтказилди. Уларда шоиранинг қисқа умри давомида қилган баракали ижоди, жумладан, насрий ва саҳна асарлари, достон ҳамда шеърий тўпламларининг бадиий қирралари ҳақида адабиётшунослар, ижодкорлар фикр билдирди. Термиз давлат университетида бўлиб ўтган учрашувда эса Раъно Узоқованинг ҳаёти, ижодий фаолияти, қолдирган адабий мероси хусусида сўз борди.

— Аввало, тадбир ташкилотчилари ва ташаббускорларига раҳмат, — дейди шоиранинг қизи Раҳима Узоқова. — Онамнинг кўплаб қўлёзмаларини тўплаб, китоб ҳолида чоп этилганидан жуда миннатдорман.

Раъно Узоқова номли Денов педагогика коллежи ва Ислом Тўраев номли ширкат хўжалигининг «Маданият ва истироҳат» боғидаги учрашувлар эса янада шукуҳли кечди. Меҳмонлар илм масканида ташкил этилган музейни ҳам кўздан кечиришди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Спорт

# «ЧИНАКАМ БАЙРАМ БЎЛДИ»

50 YIL

«Пахтакор» жамоасининг 50 йиллик юбилейи катта футбол-шоуга айланиб кетди.

Аввал хабар берганимиздек, 25 май куни пойтахтимизда миллионларнинг севимли футбол жамоаси «Пахтакор» ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Даставвал футбол клуби маъмурияти ва ҳомийлари Тошкентдаги «Наврўз» ресторанида байрам дастурхони ёзиб, минглаб мухлислар, «чарм тўп» фидойиларини таклиф этди. Сўнгра, тантаналар «Пахтакор» марказий стадионига кўчди.



Соат 18.00... Байрамона безатилган стадион тантана иштирокчилари, минглаб мухлислар билан тўлиб-тошган. Карнай-сурнай садолари янграйди. Олқишлар остида майдонга турли йилларда «Пахтакор» жамоаси шарафини ҳимоя қилган фахрий футболчилар кириб келади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Юбилей тантанасида таниқли санъаткор ва ёш хонандалар дилрабо куй-қўшиқлар ижро этишди. Қизиқчиларнинг чиқишлари оқшомга янада файз киритди.

Шундан сўнг, яшил майдонга «Пахтакор» ва Россиянинг «Торпедо» (Москва) жамоалари чиқиб келди. Дўстона ва ҳужумкор руҳда кечган учрашувда омад мезбонларга кулиб боқди — 2:1. Эътиборлиси, «Пахтакор» ўйинчилари Уче Ихеруоме, Сервер Жепаров ҳамда ҳозирда «Торпедо»да тўп сураётган севимли жамоамиз тарбияланувчиси Александр Гейнрихлар киритилган тўпларга муаллифлик қилишди. Ҳақиқий футбол-шоусига айланиб кетган ушбу ўйин ниҳоясида пахтакорчилар ишқибозларга икки юз дона футбол тўплари туҳфа этдилар. Байрам қалблардан қалбларга уланди...

Стадиондан ҳаяжонланиб қайтаётган мухлислар қувониб бир-бирларига шундай дейишарди: — «чинакам байрам бўлдида».

**(Ўз мухбиримиз)**

# ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP UZBEKISTAN 2006

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида футзал бўйича ўтаётган VIII Осиё чемпионати баҳсларининг финалчилари номи маълум бўлди.

Кеча уюштирилган ярим финал учрашувларида Ўзбекистон — Қирғизистон, Япония — Эрон терма жамоалари ўзаро куч синашди. Ҳал қилувчи баҳсларнинг дастлабки ўйинида футзалчиларимиз ўз мухлисларини хурсанд қилди — 4:2.

Етти карра Осиё чемпиони Эрон терма жамоаси кутилмаганда японияликларга 1:5 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Энди бугун 3-ўрин учун ўтадиган учрашувда Эрон — Қирғизистон терма жамоалари майдонга чиқади. Финалда эса Ўзбекистон — Япония футзалчилари ўзаро тўп сурадилар.




***Суратда:*** мусобақадан лавҳа.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

Луқма

# УЯЛИ ТЕЛЕФОН...

Тараққиёт илгарилаб кетган. Бугун мактаб ўқувчисидан тортиб энг чекка ҳудуддаги фермернинг қўлида ҳам муштдек матоҳ — уяли телефон. Яхши-да. Олдинлар бир кунда битказадиган юмушингни бир сонияда ҳал қилсанг. Қайсидир танишинг, ўғил-қизинг билан боғланиш учун марказга бориб, шаҳарлараро телефон станцияларида соатлаб навбат кутиб турмасанг. Аммо...

Яқинда бир жанозада бўлдик. Имом марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик изҳор қилди, сўнг жаноза намозини ўқишга тутинди. Худди шу пайт сафдан қандайдир мусиқа янграб қолса бўладими! Имом сал ўнғайсизроқ ҳолга тушди. Сафдагиларнинг аксари мусиқа овози келган томонга ихтиёрсиз бурилишди.

Чўнтагидаги қўл телефонини ўчирмаган биродаримизнинг қай аҳволга тушганиникy айтмай. Дув қизарган, шошилганча гоҳ у, гоҳ бу чўнтагини ковлаган, аранг ўша матоҳни топиб товушини ўчирган... Лекин, бўлари бўлди.

Жаноза намози тугагач, имом ўша биродаримизга танбеҳ беролмади. Бу пайтда у одамлардан уялиб аллақачон бир четга бекинган, балки кетиб қолганди.

Бу бир маъракадаги воқеа. Аммо, бугун бунга ўхшаш ҳолатларга тез-тез дуч келамиз. Баъзида турли маросимларда ҳам худди келишилгандек устма-уст қўл телефонлар жиринглайди...

Уяли телефон яхши. Жуда яхши. Аммо гап шу телефон эгаларининг баъзи бирлари меъёрни унутиб қўйишаётганга ўхшайди. Жамоат жойлари-да бор овози билан телефон орқали ҳиринглашаётган, автобусда кетаётиб, ўзини кўрсатиш учун телефонда танишига сим қоқаётган ёки енгил машинасида кетаётиб бир қўл рулда бошқаси телефонда бўлганлар қанча. Уяли телефондан қандай фойдаланишнигина эмас, қаерда фойдаланишни ҳам билиш керак.

Булар одамнинг фахм-фаросатига, маданиятига боғлиқ албатта.

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**


## БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС ОАО «ПУЛАТКУРИЛМА» ЗА 2005 ГОД

| № | Наименование статей | Актив | Пассив |
|---|---|---|---|
| 01. | Уставный капитал | | 52500 |
| 02. | Добавленный капитал | | 29883 |
| 03. | Резервный капитал | | 495112 |
| 04. | Нераспределенная прибыль | | 455516 |
| 05. | Целевые финан-я и поступления | | 18516 |
| 06. | Резервы предстоящих расходов | | 204187 |
| 07. | Доходы будущих периодов | | 185298 |
| 08. | Осн.средства за вычетом износа | 490677 | |
| 09. | Нематериальные активы | | |
| 10 | Оборотные активы | 898500 | |
| 11 | Дебиторы кредиторы | 2709334 | 2657499 |
| 12 | Баланс за 2004 год | 4098511 | 4098511 |

*Орзибобоев Ҳайрулло Қосимович Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар, Муротов кўчаси, 28-уйда жойлашган Фарғона вилоят қишлоқ хўжалик моддий техника таъминоти ОТҲЖнинг Низом фондига нисбатан 40,98 фоиз бўлган 6212 (олти минг икки юз ўн икки) дона оддий акцияларини сотиб олишини маълум қилади.*

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан 2005 йилда «Spektr Biznes» хусусий корхонасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, 50-ўрта мактаб директори С.И.Герасимовага онаси **Елена Яковлевна ГЕРАСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Музей — тарих тилчиси

# МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Қашқадарё вилоятида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган музейларнинг биринчи кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Хотира — миллатнинг барҳаётлиги. Миллат барҳаёт бўлиши учун хотира уйғоқ бўлиши керак. Шу боисдан ҳам бутун дунёда миллий тараққиёт нечоғли ривож топмасин, миллат ва давлатчилик тарихини ўрганишга, неча минг йиллардан бери сақланиб келаётган осори-атиқаларни сақлашга, ёш авлодни олис аждодлардан қолган маънавий меросдан баҳраманд қилишга алоҳида эътибор берилади.

Франция, Буюк Британия, Италия, Ҳиндистон, Миср каби давлатлар ҳақида гап кетганда, энг аввало улардаги оламшумул музейлар тилга олинади. Парижни Луврсиз, Россияни Эрмитажсиз, Қоҳирани жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири — Эҳромларсиз, Ҳиндистонни Будда ва Шива ибодатхоналарисиз тасаввур қилиб кўринг-чи. Музей ва қўриқхоналарни, улар қайси миллатга, қайси даврга тааллуқли бўлмасин, ўтмиш ва келажакни бир-бирига боғловчи маънавий кўприк, мозий сабоқларини эслатиб турувчи донишманд десак, муболаға бўлмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий, маънавий-маърифий обидалар, олис мозийдан сақланиб келаётган осори-атиқаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Собиқ тузум пайтида уларнинг кўпи харобага айланди, бузиб ташланди, очиқдан-очиқ таҳқирланди. Халқимизнинг асл фарзандларига дахлдор буюк меросдан бутун дунё фойдаланиб тургани ҳолда, биз узоқ вақт бундай имкониятдан маҳрум этилдик.

Не бахтки, қисқа вақт ичида давлатимиз раҳбари ташаббуси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бундай ноёб чашмаларнинг кўзи очилди. Қўли гул усталар қисқа вақт ичида маънавий зиёратгоҳларга айланган кўплаб тарихий обидаларни, уйғониш даврига тааллуқли илм-маърифат марказларини дунё лол қоладиган даражада таъмирладилар. Бугун улар ўзликни англашнинг тимсоли, маънавий илдизларимизнинг ифодаси бўлиб турибди.

Тарихий хотира деганда, фақат олис ўтмиш кўзда тутилмайди. Давр шундай шиддат билан ўтиб бормоқдаки, кечаги кунимиз ҳам, агарки у яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари билан безанган бўлса, ўзига хос тарих бўлиб қолмоқда. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда музейлар фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилаётир. Хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Ўзбекмузей» жамғармаси, бир қатор қўриқхоналарнинг ташкил этилиши фикримизга далил бўла олади. Юртимизга ташриф буюраётган юксак мартабали меҳмонлар, давлат раҳбарлари, таниқли сиёсатдонлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамлар онг-шуурида юз бераётган ўзгаришларни айни шу музейлар иши билан танишганларида янада чуқур ҳис этадилар. Президент Ислом Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борадаги ишлар изчил йўлга қўйилди. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги музейлар фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди.





Бугун мамлакатимизда жами 1200 дан ортиқ турли мақомдаги музейлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда халқимиз тарихи ва маданиятига оид 1 млн. 600 мингдан зиёд осори-атиқалар сақланмоқда. Бу музейларнинг 78 таси вазирликка қарашли бўлиб, кейинги йилларда уларнинг фонди янги экспонатлар, турли ҳужжат ва ашёлар билан бойиди.

Биргина мисол. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адиб номидаги уй-музей қайтадан таъмирланиб, экспонатлари янгиланди. Ўрол Тансиқбоев, Юнус Ражабий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним уй-музейлари фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, вазирлик ташаббуси билан маънавиятимизга дахлдор бу масканларда турли хил маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилиб, уларга ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Музейлар фаолиятига доир жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш иши бу соҳа мутасаддиларидан ўзига хос фидойилик ва ташаббускорликни талаб этади. Шундай экан, музейшунослик ишида ҳам доимий равишда изланиш, маънавий тарбия таъсирчанлигини оширишнинг янги-янги қирраларини излаб топиш зарур.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда яқинда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекмузей» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий Академияси иштирокида мамлакат музейларининг биринчи республика кўрик-фестивалини ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият олиб бораётган 27 та музей ўзининг бой экспонатлари билан иштирок этди. Ташкил этилган композицияларда халқимизнинг ўтмиш тарихи, қадимий урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, музейларимизда кўз қорачиғидек сақлаб келинаётган осори-атиқалар намойиш этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи, Термиз археология музейи, Самарқанд, Бухоро ва Хива давлат бадиий-меморий қўриқхоналари намойиш этган экспозициялар фестиваль иштирокчилари, вилоят аҳли, айниқса, ёшларда катта таассурот қолдирди.

Кўрик-фестиваль якунларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи, Фарғона ва Сурхондарё вилоят музейлари иши юқори баҳоланиб, уларга вазирликнинг махсус диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Қашқадарё вилояти музейлари ўз экспозицияларида воҳа тарихини чуқур ва атрофлича ёритиб берганлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритгани, Ўзбекистон амалий санъат музейи энг бой экспозицияси, Хива «Ичан қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси маданий бойликларни намунали даражада сақлагани, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи жамоаси ўз экспозициясида мамлакатимиз тарихини таъсирчан тарзда ёритгани учун махсус совринларга муносиб кўрилди.

Бундан ташқари, Термиз археология музейи, Андижон вилояти ўлкашунослик музейи, республика давлат табиат музейи, Сирдарё вилояти музейлари, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси экспонатлари ҳам муносиб баҳоланди. Фидойи музейшунослар Юлдуз Ёрмуҳамедова (Тошкент), Муаззам Холиқова (Жиззах), Саодат Раимқулова (Ангрен), Эркин Қорабоев, Иброҳим Юсупов (Наманган), Шавкат Исмоилов (Навоий), Нодира Жалолова (Тошкент), Роберт Алмеев (Бухоро), Гулбаҳор Ахимбетова (Қорақалпоғистон)ларга вазирлик, вилоят ҳокимлиги ва «Ўзбекмузей» жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Кўрик-фестиваль ишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев, Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари А.Ҳайдаров иштирок этди.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

# «МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Мулоқот» журналида республикамизнинг фаол ва таниқли олимлари, мутахассислари билан биргаликда оддий замондошларимиз ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этишмоқда. Унинг «Муҳаррир минбари», «Тарихга назар», «Безовта ўйлар», «Нафосат чироғи», «Ислоҳот чорраҳаларида», «Янгилик билан учрашув», «Умри узун удумлар», «Савоб ва гуноҳ», «Мозийга сафар», «Мушоира» рукни остида эълон қилинган мақола ва шеърлар кўпларга манзур бўлаётир.

Журналнинг кейинги ойларда чоп этилажак сонларида халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳслар ва мунозаралар эълон қилинади.

Журналда ҳар қачонгидек, ҳалол ва фидойи бўлиш, мамлакатда рўй бераётган бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталик, Юртбошимиз ва она заминга садоқат, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган, экстремизм ва халқаро терроризмни қораловчи мақолалар билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўқийсиз.

2006 йилнинг иккинчи ярми учун «Мулоқот»га обуна давом этмоқда. Обуна республикамизнинг барча почта бўлимларида қабул қилинмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз — 844.**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 29 июнь, 6,13,20,27 июль кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг** қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 ВА 449, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 1 250 000 сўм.**

2. «ГАЗ-3110» русумли, давлат рақами 10 ВА 450, 1999 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 1 550 000 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» АТИБ «Ипотека-банк»ининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика кўчмас мулк биржаси, 2-қават, 207-хона.**

**Маълумот учун телефонлар: 399-80-23, факс: 399-80-31.**

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

## АЗИЗ ЁШЛАР, СИЗ УЧУН ИМКОНИЯТ!

**Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 2006-2007 ўқув йили учун танлов эълон қилади.**

**9-синфни тугатган ёшлар:**

- **Умумий овқатланишни ташкил этиш:**
  - ✓ миллий таомлар ошпази;
  - ✓ қандолатчи;
  - ✓ новвой.
- **Чет эл таомлари ошпази.**
- **Ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини назорат қилиш ва ишлатиш:**
  - ✓ ёнилғи қуйиш шохобчалари оператори;
  - ✓ «В» ва «С» тоифали ҳайдовчи;
- **Тикувчилик ишлаб чиқариши:**
  - ✓ кенг ассортиментдаги кийимлар тайёрлаш бўйича технолог;
  - ✓ кенг ассортиментдаги кийимлар бичувчиси;
  - ✓ буюртма бўйича тикувчи;
  - ✓ тикув жиҳозларини таъмирлаш.
- **Бошқарув ва иқтисодиёт:**
  - ✓ котиба-референт;
  - ✓ офис-менежер;
  - ✓ бухгалтер;
  - ✓ офис жиҳозлари мутахассиси.
- **Бухгалтерия ҳисоби:**
  - ✓ бухгалтер-аудит;
  - ✓ бухгалтер иқтисодчи;
  - ✓ бухгалтер — банк ҳисобчиси;
  - ✓ касса операциялари бўйича мутахассис;
  - ✓ офис жиҳозлари бўйича мутахассис.
- **Нон-булка, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мутахассис:**
  - ✓ қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор;
  - ✓ нон-булка маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор;
  - ✓ макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор;
  - ✓ техник-кимёвий таҳлил лаборанти.
- **Компьютер тармоқлари, офис жиҳозларини таъмирлаш ва созлаш:**
  - ✓ компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини созловчи;
  - ✓ офис жиҳозлари бўйича мутахассис.



**Шунингдек, 11-синф маълумотига эга ёшлар шартнома асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишлари мумкин. (Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой)**

**Ҳужжатлар 20 июндан 1 августга қадар қабул қилинади.**

*Замонавий спорт заллари, компьютер, лингафон хоналари, мини банк ва касса, 18000 китоб фондига эга бўлган кутубхона хизматингизда бўлади.*

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, Ким Пен Хва кўчаси 50-уй.

**Мўлжал:** «Баҳор» ресторани.

**Телефонлар: (8-3712) 90-61-11, 90-60-07, 90-60-09.**

*Унутманг ва ўйлаб кўринг: Бу ерда тайёрланаётган мутахассисларга ҳар куни, ҳар биримизнинг ишимиз тушиши мумкин.*

ҲАЁТ УЧУН КЕРАКЛИ ВА ФОЙДАЛИ КАСБНИ ТАНЛАНГ!



**BOSH MUHARRIR:**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**

**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**

**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Sohibjon SALIMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 750
*11058 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 20.30
Topshirish vaqti — 22. 0
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**